O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

УШБУ СОНДА:
2 ҚОНУН МЕЗОНИ
3 ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ГАРОВИ
4 БИР ВОҚЕА, ИККИ ХИЛ ЕЧИМ
“ОРЕХОВ” ГУРУҲИ ТУГАТИЛДИ

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 31 (437)
2005 йил
23 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

***Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади.***

***Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.***

***Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади.***

***Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланиши мумкин.***

***Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.***

***Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларига жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.***

**“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 12-МОДДА**

# ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ – ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

***Аввал хабар қилинганидек, шу йил 19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.***

***Мажлисда 26 август куни очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиниб, бу сессияни юқори даражада ўтказиш, унинг кун таркибига бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган долзарб масалаларни киритиш зарурлиги таъкидланди.***

***Шуни қайд этиш лозимки, мазкур йиғилишда Олий Мажлиснинг қуйи – Қонунчилик палатаси раҳбарияти, қўмита ва партия фракцияларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этгани учрашувга алоҳида маъно-мазмун бағишлади.***

***Йиғилиш муҳокамасига қўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторларнинг “Хонобод” шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожиали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.***

***Қуйида ушбу мажлиснинг қисқача баёни эълон қилинмоқда.***



Давлатимиз раҳбари Кенгаш мажлисидаги ўз нутқида мамлакат парламентининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фаолияти ҳақида фикр юритиб, бугунги куннинг кўпгина долзарб масалалари, шу жумладан, эл-юртимизнинг тинчлигига хавф солиб, барқарорликни таҳдид остида қолдирадиган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатарларга ўз вақтида баҳо бериш ва уларни бартараф этишни ҳаётнинг ўзи ўртага қўймоқда, деб таъкидлади.

Мажлисда Андижон воқеаларини холисона таҳлил қилиш, бу фожианинг асосий сабабларини чуқур ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш ҳозирги вақтда бутун жамиятимизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаётганига эътибор қаратилди.

Бу террорчилик ҳаракатининг иштирокчилари ўз йўли билан, аммо уларнинг ташкилотчилари ҳақида алоҳида фикр юритиш, ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, бу воқеаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ғаразли ва узоқни ўйлаб амалга оширилган қўпорувчиликдан кўзланган асл мақсадни фош этиш, юртдошларимизни бу хуружларни бартараф этиш учун сафарбар қилиш — халқ вакиллари, халқнинг таянчи ва ишончи бўлмиш депутатлар ва сенаторларнинг юксак масъулияти ва асосий вазифасига айланиши зарурлиги тўғрисида давлатимиз раҳбари куйиниб гапирди.

Бугун Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини кўзлаб олиб бораётган мустақил сиёсатни кўролмасдан, уни ўзгартиришга қаратилган бу ёвуз ҳаракатларни, юртимиз шаъни ва обрўсига доғ тушириш, халқаро майдонда унинг юзини ерга қаратиш учун катта маблағ, катта куч ташлаб, туҳмат ва уйдирмаларни тарқатиб, мамлакатимизга нисбатан эълон қилинмаган информацион урушни ким ва нима мақсадда бошлагани ҳақида халқимиз тўла хабардор бўлиши, уни чуқур англаши лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бу - ўта жиддий ва масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўшиш барча раҳбарлар, ҳар бир депутат ва сенатор учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши дарқорлиги қайд этилди.

Ана шу масалалар депутат ва сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ҳамда бу борада амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққанлар кун тартибидаги масалаларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил этиб, бу масалаларни ўз қалби ва онгидан ўтказиб билдирган фикр-мулоҳазаларнинг асосий маъно-мазмунини қуйидаги хулосаларда мужассам этиш мумкин.

Биринчидан. Андижонда содир бўлган бу машъум фожиа тарихимизда, халқимиз ҳаётида кўп йиллар давомида битмайдиган оғир яра, жароҳат бўлди. Энг аввало, бу фожиа туфайли қанча одам ҳалок бўлди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардона жон берган ҳарбийларимиз бўладими, бегуноҳ қурбон бўлган тинч аҳоли вакиллари бўладими — ҳаммасининг ота-онаси, жигарбандлари, ёру биродарлари бор. Уларнинг ота-онаси, яқинлари олдида бош эгиш, дардига ҳамдард, қайғусига шерик бўлиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Қолаверса, мияси заҳарланган, алданган босқинчиларнинг ҳам ота-оналари борлигини унутмаслик керак.

Иккинчидан. Афсус билан айтиш лозимки, Ўзбекистон шаънига доғ бўлиб тушган бу фожиа ғанимларимизнинг тегирмонига сув қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат тошларини ёғдирган информацион хуружларига сабаб бўлди. Ана шундай ғаразли кучларнинг уйдирмалари Ўзбекистонни бадном қилиш учун уринишларга, мамлакатимизга нисбатан мутлақо асоссиз айблар қўйилишига олиб келди. Буни барчамиз чуқур тушуниб, зарур хулосалар чиқаришимиз керак.

Учинчидан. Шу кунларда Мустақиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш масаласи бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, Андижон воқеаларида ўзини кўрсатган, мардлик ва матонат фазилатларини намоён этган йигитларимизни ҳам мукофотлаш юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, изтироб билан айтиш лозимки, ана шу йигитлар қаторида хавфсизлик хизмати, ички ишлар, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилган 7 нафар марҳум ўғлонларимиз бор. Ҳали ҳаётга тўймаган, юрагида орзу-ҳаваслари кўп бўлган бу йигитларнинг таржимаи ҳоли, хизмат фаолияти билан танишар экан, одам ҳайратда қолади — юрт бошига иш тушганда, хавф тушганда улар ҳеч иккиланмасдан, ўзини четга олишни хаёлига ҳам келтирмасдан, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

Униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз орасида ўзининг жонини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун фидо этишга тайёр бўлган шундай довюрак ўғлонларимизнинг борлиги — Ватанимизга ғаразли ният билан кўз олайтирадиган ҳар қандай босқинчилик ва тажовузкорлик уринишларининг олдини олиш, муқаддас заминимизни барча хатарлардан ҳимоя қилишнинг ишончли ва мустаҳкам кафолатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу муносабат билан ҳар қайси ўзини эр йигит, мард деган инсон — у ким бўлмасин, оддий деҳқон ёки ишчими, депутат ёки сенаторми — ўз-ўзига шундай савол билан мурожаат қилиши табиий: агар мен ана шу йигитларнинг ўрнида бўлсам, ўзимни қандай тутардим? Ўзимни аямасдан, ширин жонимни, ҳаётимни юрт учун беришга қурбим, мардлигим етармиди?

**(Давоми иккинчи бетда)**

Qonun ijodkorligi

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида бу борада босқичма-босқич равишда туб ўзгаришлар рўй берди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш, миллий қонунчилик тизимини яратиш, қонун ижодкорлиги йўлга қўйиш сингари кўпдан-кўп мураккаб вазифалар ҳал этилди. Бунга судларнинг ихтисослаштирилгани, кўплаб янги қонунлар қабул қилингани, жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, қонунчиликка ярашув тўғрисидаги янги институтнинг жорий этилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Яқинда қабул қилинган “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Президент Фармони бу соҳада ташланган энг муҳим қалам бўлди. Мазкур Фармон инсон ҳуқуқлари олий қадрият деб эътироф этилган мамлакатимизда шахс ҳуқуқларини янада тўлиқроқ ҳимоялаш кафолати сифатида хизмат қилади. Қуйида ана шу фармоннинг мазмун-моҳияти, у билан боғлиқ масалалар таҳлилига бағишланган мутахассис олимларнинг фикр-мулоҳазалари газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқди.***

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

## ИНСОН ҲУҚУҚИ– СУД ҲИМОЯСИДА

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар кўлами кенглиги, жамиятни тубдан янгилашга йўналтирилгани билан улкан ижтимоий-сиёсий моҳият касб этади. Бу соҳада амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда миллий давлатчилигимизнинг бой тарихий тажрибалари ҳамда жаҳондаги ривожланган давлатларнинг ҳуқуқ соҳасида эришган ижобий тажрибалари асосида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га мос ҳуқуқ тизими шаклланди. Мазкур ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаати ётади. Қолаверса, Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини одил судловни амалга ошириш орқали тиклаш, шу асосда қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ислоҳотларнинг бош мақсади десак, хато қилмаймиз.

Ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинаётган тизимда инсоннинг шахсий ва турар-жой дахлсизлиги каби конституциявий эркинликларини таъминлаш ўзига хос хусусиятга эга. Бу ҳақда Конституциямизнинг 25-моддасида шундай дейилади: **“Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”.** Шунингдек, 27-моддада уқтирилишича, **“ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар-жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”.** Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямиздаги ушбу меъёрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидаги “Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши мумкин эмас” ёки **“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”**даги “Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳисда сақланиши мумкин эмас. Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб турилиши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишини судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин”, деган қоидалар ўз аксини топган.

Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг бу каби қоидаларини тан олиш билан бирга, бу меъёрларни миллий қонун ҳужжатларига сингдиришга доимо эътибор бериб келмоқда. Зеро, дунёвий ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимизда демократик қадриятлар шарқона ҳаёт тарзи, миллий минталитет ва қадриятлар руҳига уйғун ҳолда баҳоланади. Дарҳақиқат, **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш тўғрисида”**ги Президент Фармонида айнан шундай мазмун мужассам. Ушбу Фармон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида мўлжалланган вазифаларни суд амалиётида қўллашни таъминлайди, ҳокимият тармоғида суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, одил судлов жараёнида тортишув тамойилини кенгайтиришга, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

**(Давоми учинчи бетда)**

***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг илк босқичидаёқ “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун”, деган ғоя янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг асоси қилиб олинган эди. Шу қоидага таянилган ҳолда миллий ҳуқуқий тизим яратилди ва у босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Бу ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя этилишини таъминлашни ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Дарҳақиқат, Конституция ва қонунларда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни суд қарорисиз чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.***

**Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

## ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Яқинда эълон қилинган Президентимизнинг **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”**ги Фармони билан инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида яна бир дадил қадам қўйилди.

Хўш, мазкур Фармоннинг қабул қилиниши қандай омилларга асосланади?

Маълумки, прокурор жиноятлар юзасидан дастлабки терговни олиб борилишини таъминлайди ҳамда судда давлат айбловини қувватлайди. Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни гумон қилинувчи ва айбланувчига қўллаш дастлабки тергов жараёнида, фақат прокурор рухсати (санкцияси) билан амалга оширилади. Демак, гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқни қўллаган прокурор судда уни ўзгартирилиши ёки судланувчининг оқланишидан манфаатдор бўлмайди. Бундай ҳолат жиноят ишларининг кўриб чиқилиши билан боғлиқ тергов ва суд амалиётида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси учун бундан кўра холис, самарали механизм жорий этилишини тақозо этмоқда.

Қолаверса, қамоққа олишга санкция бериш масаласини прокурорнинг ўзи ҳал этади. Бу эса айблов ва ҳимоя ўртасидаги тортишувнинг юзага келишига муайян даражада тўсқинлик қилади. Санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилса, айблов ва ҳимоя институтининг ўз фикрларини асослаши, далилларни тақдим этиши учун реал тортишув муҳити пайдо бўлади. Натижада қонун нуқтаи-назаридан айблов ва ҳимоядан манфаатдор бўлмаган суд ҳар иккала тарафдан тақдим этилган далиллар бўйича қонуний қарор қабул қилади.

Мамлакатмизда суд – давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи. Судьялар мустақил ва фақат қонунга бўйсунади. Суд жиноят ишининг айблов ёки оқлов билан якунланишидан эмас, балки ҳақиқат ва адолат қарор топишидан манфаатдордир. Бинобарин, судьялар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, прокурорларга қараганда, кўпроқ ваколат ва имкониятларга эга. Ривожланган мамлакатларда фақат судларгина инсоннинг конституция ва қонун билан белгиланган ҳуқуқларини чеклаши ёки улардан маҳрум қилиши мумкин. Бу қоида асрлар мобайнида ўзини оқлаб келмоқда.

**(Давоми учинчи бетда)**

Talqin

***Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ташаббускоридир. Бу ҳол шу йилнинг июн ойида эълон қилинган меъёрий ҳужжатларда ҳам яна бир бор яққол намоён бўлди.***

## ЯНГИЛАНИШ АСОСИ

Шу йил 14 июнда **“Бозор ислоҳотларларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги, 2005 йил 14 июнда **“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент Фармони, 2005 йил 15 июнда эса **“Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”**ги Президент қарори қабул қилинди. 2005 йил 21 июнда эса **“Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**-ги, 2005 йил 24 июнда **“Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида”**ги Президент Фармонлари эълон қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ўз моҳиятига кўра, бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва ягона пировард мақсад — мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатини мустаҳкамлашга қаратилган.

Зеро, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг қонуний асосларини яратиш мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу сабабли Президентимиз Фармонида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи барча ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни иқтисодий ислоҳотларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва энг асосийси, амалда қўлланиши ва ишлашини таъминлаш механизмини яратиш вазифалари илгари сурилган.

Маълумки, бозор муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёнида давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажаради. Давлат нафақат иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини яратади, балки унинг ижросини ҳам таъминлайди. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти иштирокчилари ўз мажбуриятларининг бажариши устидан давлат идоралари назорати амалга оширилади. Бироқ бундай назорат қонун доирасида ва қонун асосида бўлмоғи шарт. Аниқроқ айтганда, айрим мансабдор шахслар бундан ўз ғаразли мақсадларида ёхуд суиистеъмоллик йўлида фойдаланмаслиги лозим. Худди шу сабабли назорат идораларининг раҳбарларига нисбатан тадбиркорлик субъектларининг ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказгани учун шахсан жавобгарлик белгилаб қўйилди. Эндиликда давлат идораларининг тадбиркорлик субъектларини ҳуда-беҳудага текшириш ҳолатларига барҳам берилади. Айниқса, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари (прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик идоралари) ваколатлари жиддий чегаралаб қўйилди.

Шу маънода 2005 йил июн ойида Президентимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ўзига хос янги босқични бошлаб берди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Tahlil va saboq*

# БИР ВОҚЕА, ИККИ ХИЛ ЕЧИМ

***Бугунги кунда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида кўп ёзилмоқда ва ҳали яна ёзилади. Ушбу мақолада айни соҳадаги ислоҳотларнинг биргина жиҳатига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу мавзуда мақола ёзишимизга эса қуйидаги воқеа сабаб бўлди.***

Яқинда хизмат сафари билан Бухоро вилоятига борган эдим. Эски танишлар, ҳамкасблар билан қўнғироқлашиб, учрашдик. Ҳамкасблардан бири қишлоғида бўлаётган бир тўйга таклиф қилиб қолди. Тўй баҳона, дийдор ғанимат деганларидек, анча гурунг қилдик. Шунда ёнимизда ўтирган кекса отахонлардан бири суҳбатимизга аралашди:

– Гап-сўзларингизга қараганда мухбирларга ўхшайсизлар, – деб сўради отахон.

– Ҳа, – дедик.

– Агар малол келмаса, сизлардан бир нарса сўрамоқчи эдим, – деди у.

– Бемалол, – дедик.

– Шу суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, деган сўзни қандай тушунса бўлади?

Саволга ҳар ким ўзича жавоб берди. Сездимки, отахон жавоблардан қониқмади. Шунинг учун энди мен уни саволга тутдим:

– Отахон, нега бундай деб сўраяпсиз?

– Мен қишлоқда яшайман, – дея сўз бошлади ўзини Ашур бобо деб таништирган оқсоқол. – Умрим далада ўтди. Лекин бундан ҳеч қачон нолимаганман. Айниқса, мустақилликдан сўнг деҳқонларнинг елкасига ҳам офтоб тегди. Фермер бўлиб, косамиз оқарди. Яратганга шукр, бугун меҳнатимизга яраша ҳақ олаяпмиз. Омборимиз тўла дон, тандиримиз тўла нон. Тўрт ўғлим, икки қизим бор. Ҳаммаси ўзидан тинчиган. Икки ўғлимнинг енгил машинаси бор. Яқинда учинчи ўғлим ҳам уловли бўлди. Бундан ташқари, яна иккита трактор ҳам оиламизнинг умумий мулкига киради. Гапнинг лўндасини айтганда, бировдан кам еримиз йўқ. Қўлимизни қаерга узатсак етади. Хуллас, оддий бир инсон орзу қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсамиз бор.

Яқинда оиламиз бошига тушган ташвишли бир воқеа кўзимни очди.

Кенжа фарзандлар эрка бўлади ми ёки боболаримиз айтиб кетганларидек, "йигирма ёшда йигитнинг қони бир қайнайдими", хуллас, кичик ўғлим «жанжални пулга сотиб оладиган хилидан» чиқиб қолди. Қолаверса, кейинги пайтларда тўйларимизда «оқи»дан қуйиш камайишнинг ўрнига кўпайиб кетаётгандек, назаримда. Отабоболаримиз бекорга «ичкилик барча иллатларнинг онаси», демаганда. Хуллас, бир тўйда озгина «отиб» олган ўғлим ўз тенгдош жўраси билан жанжаллашиб қолибди. Униси бунисини, буниси унисини обдон калтаклашибди. Натижада бирининг кўзи кўкарган, бошқасининг қоши ёрилган...

Тўғриси, икки тенгдош бугун муштлашса, эртага ярашиб кетаверади. Лекин орада қонун-қоида, деган тушунчалар бор. Икки йигитни ҳам туман ИИБга олиб кетишди. Қишлоқдаги қонунни тушунган-билган одамлардан сўрасам, "жанжаллашганлардан бири, албатта, қамалади", деб айтди. Бу гапдан сўнг кампиримнинг қон босими кўтарилиб, ётиб қолди. Ёшим олтмиш саккизга кириб ҳали суд, прокуратура ёки милиция бўлимининг остонасидан ҳатламаган эдим. Ўғлимдан хафа бўлишимга қарамай, барибир бордим. Буни қарангки, мен қонунни билади, деб маслаҳат сўраган одамлар нотўғри гапиришган экан. Менга ҳуқуқ тизими ходимлари тушунтиришича, авваллари бундай ҳодиса юз берса, албатта, айбдорга қамоқ жазоси берилар экан. Мустақил давлатимиз қонунчилигига биноан агар жанжаллашган томонлар ўзаро келишиб, ярашиб олишса, қамоқ жазоси қўлланилмас экан.

Ҳозир ўғлимиз бағримизда. Жанжаллашган жўраси билан ҳам ярашиб олишди. Агар қонунчилигимизда ярашув ҳақидаги банд бўлмаганида ё ўғлим ёки унинг ўртоғи бугун қамоқда ётган бўларди. Мен эса ҳар икки ҳолатни ҳам кўз олдимга келтиролмайман. Чунки ўғлимнинг тенгдоши билан бир қишлоқда яшаймиз. Ота-оналари билан қуда-андачилигимиз бор. Тўйимиз бир, азамиз бир. Худо кўрсатмасин, агар улардан бири қамалса, ўртада қанчадан қанча дилхираликлар юзага келарди.

Ушбу воқеани сизларга айтиб беришимдан мақсад, газеталарингизда мана шундай нарсалар ҳақида кўпроқ ёзсангизлар. Оддий халққа ислоҳотлар мазмунини оддий тилда тушунтирсангизлар яхши бўларди. Тўғри, мен ҳам газета-журнал варақлаб тураман. Ислоҳотлар ҳақида телевизордаги гапларни эшитганман. Лекин барибир ушбу сўзнинг моҳиятини англаб етмаган эканман...

Отахоннинг ҳикояси бундан йигирма йиллар муқаддам қўшни қишлоқда бўлиб ўтган яна бир воқеани ёдимга солди. Ўшанда ҳам жанжалга ичкилик, деган касофат сабаб бўлган эди. Амаки ака укалар тўйдан қайтишда жанжаллашиб қолишади. Икки бўз йигитни ҳеч ким ажрата олмайди. Яхшигина «отиб» олган «шерваччалар» роса бир-бирини дўппослашади. Худди отахон ҳикоя қилганидек, қай бирининг кўзи кўкаради, бошқасининг боши ёрилади. Лекин эртаси куни иккаласининг отаси ҳам ўғилларининг адабини бериб, яраштириб қўйишади. Йигитлар ҳеч нима кўрмагандек қўлтиқлашиб далага йўл олишади. Айни туш пайтида дала бошида белига чизиқ тортилган машина пайдо бўлиб, икки қариндошнинг қўлини орқасига қилиб олиб кетишади. Ана шундан кейин қишлоқда роса миш-миш бўлалагани ҳам кечагидек ёдимда. Бир ҳафта ўтиб, йигитлардан бири қишлоққа қайтиб келди. Кейин билсак, жанжал чиқишига асосий айбдор, деб топилган иккинчи йигитга тўққиз йил бериб юборишган экан. Қамалган йигитнинг отаси бечора роса елиб-югурди. Лекин биров унинг гапига қулоқ солмаганди ўшанда. Иккинчи томоннинг «даъвоимиз йўқ», деган кўрсатмасига жавобан суддагилар «сиз даъвогар бўлмасангиз ҳам барибир давлат даъвогар бўлади. Чунки ўзаро жанжал қилиш совет турмуш тарзига зид хатти-ҳаракат, демакдир. Шундай экан, йигитлардан бири, албатта, жазо олиши шарт», деб айтган экан.

Хуллас, қариндошлардан бири тўққиз йилга қамалди. Иккинчиси эса қишлоқдаги гап-сўзлардан бош кўтариб юра олмай, қаергадир кўчиб кетди. Икки йигитнинг отаси — туғишган ака-укалар юз кўрмас бўлиб кетишди. Кейинчалик эшитишимга қараганда, қамалган йигит ҳам қайтиб қишлоғига бормаган. Ўғлини қамалганига чидай олмаган она ажалидан беш кун олдин дунёдан кўз юмган. Кўраяпсизми, биргина жанжалнинг оқибатида бир эмас, икки оила пароканда бўлиб кетди. Орадан йигирма йилга яқин вақт ўтаётган бўлишига қарамасдан, ҳали-ҳамон ушбу воқеа қариндош-уруғларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Агар аввалги замон бўлганида, Ашур бобо айтиб берган ҳолатда йигитлардан бирининг қамалиши муқаррар эди. Ундан кейин қудаандалар ёвлашиб, икки орада бир оиланинг пароканделикка юз тутиши ҳам ҳеч гапмасди. Агар икки хил ечим топган, бир хил воқеадан хулоса чиқарадиган бўлсак, қонунларимизнинг либераллаштирилгани, ярашув институтининг ташкил этилганининг ўзиёқ қанча-қанча оилаларнинг бошига тушиши мумкин ташвишларнинг олдини олаётганидан далолат беради.

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Jamiyatimiz maqsadi*

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ГАРОВИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Ваҳоланки, бу нафақат давлат, балки жамиятнинг ҳам вазифасидир. Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга эришиш учун аввало аёлларнинг ўзлари ўз ҳуқуқларини яхши билиши ва ундан фойдалана олиши лозим.Шу боис аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ошиши эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, аёл ҳуқуқининг бузилишига лоқайд қараш салбий ҳолатларни кучайишига олиб келади. Масалан, ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилишдаги қийинчиликлар камайган бўлса-да, бироқ ҳамон учраб турибди. Бу ҳолат хусусий иш берувчилар томонидан аёлларни ишга қабул қилаётганда шахсий манфаатларидан келиб чиқишаётгани боис муаммоли масалага айланаётир. Чунки хусусий иш берувчи аксарият ҳолларда "Ҳомиладор аёлни ишга олмайман, маълум вақтдан кейин таътилга кетади. Ёш болали аёлнинг корхонага манфаати кам тегади", деган фикрда иш тутиши мумкин.

Аёл эркаклар билан тенг мажбуриятларни зиммасига олган ҳолда, яна оналик вазифасини ҳам адо этади. Бу вазифани амалга оширишидан нафақат унинг ўзи, оиласи, балки давлат ва жамият манфаатдордир. Шу боис давлат оналик ва болаликни муҳофаза этади. Зеро, аёлнинг ақлий, жисмоний, руҳий кучи ва салоҳиятининг кўп қисми айнан шу вазифани амалга оширишга сарфланади.

Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асл моҳияти ҳам оилани, онани, фарзанд ва қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилаётгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда **"Сиҳат-саломатлик йили"** деб эълон қилинди. Айни пайтда бу масалага, хусусан, оила қураётган ёш келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказишга ҳар томонлама эътибор қаратилаётир. Мазкур тадбир қонунчиликда ҳам ўз аксини топган. Оила кодексининг 17-моддасига, яъни никоҳдан ўтувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақидаги қоидаларга 2003 йил 19 февралдан бошлаб қуйидагича ўзгартириш киритилди: **"Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтиш тартиби ва ҳажми Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".**

2004 йил 1 январдан амалга киритилган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори ана шу мақсадларга қаратилган меъёрий ҳужжатдир. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширди. Бундан ташқари, "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналашларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 242-сонли қарорига биноан адлия бошқармаси тасаррufидаги ФҲДЁ бўлимлари қошида жамоатчилик асосида "Ёш оила мактаби" фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оила ва унинг мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, соғлом ва баркамол оила жамият пойдевори ҳисобланади.

**Гулнора ИНОМЖОНОВА,**
**ҳуқуқшунос**



*Jinoyat va jazo*

# ЖОҲИЛЛИК

**Суд очерки**

***Инсон зоти бу дунёда доимо илинж ва умидлар оғушида яшайди. Ана шу умид ва илинжларнинг энг юксаги, шубҳасиз, фарзанд камолини кўришдир. Нигора туғилганида отаси Амир ака ва Сарвигул аянинг ҳам орзулари бир олам эди. Бунинг устига тақдир тақозоси билан ёлғиз фарзанд бўлиб қолган Нигоранинг камолини кўриш ота учун ҳам, она учун ҳам ҳаётларидаги энг юксак орзуга айланди. Афсуски, Амир акага Нигоранинг бахтини кўриш насиб этмади. У дунёдан эрта кўз юмди. Энди ёлғиз қизнинг барча ташвишлари Сарвигул аянинг зиммасига тушди. Унинг биргина мақсади қизини отаси орзу қилгандек бахтли қилиш эди.***

Кексаларимиз айтганларидек, "умр деганлари оқар дарё экан". Ҳаш-паш дегунча Нигора ҳам ўн олти ёшга кириб, кўзга яқин бўлиб қолди. Кетма-кет келаётган совчилар Сарвигул аянинг дарвозасини турумини бузишди. Тўғри, ая аввалига вояга етмаган қизини турмушга беришга кўнгли бўлмади. Лекин қайта-қайта келаётган совчилар унга тинчлик беришмади. Қолаверса, бўй етган сари Нигоранинг ҳуснига ҳусн қўшилаверди. Аянинг кўнглига "қизим бирор-бир лўттибознинг қармоғига илиниб қолмасин", деган ўй келди. Шунинг учун ҳам қўшни қишлоқдан келган навбатдаги совчилардан куёвликка даъвогарни обдон суриштириб, тагли-тугли хонадоннинг ёлғиз ўғли эканлигига ишонч ҳосил қилди. Кейин ўзича, "қизим ёлғиз фарзанд бўлса, куёв ҳам якка ўғил экан, балки бир-бирини кам-кўстини тўлдириб яшар", деган ниятда оқ фотиҳа берди.

Нигора билан Каримнинг тўйи барча ҳавас қиладиган даражада чиройли ўтди. Лекин келин билан куёвнинг тўй куни ўтиришини кўрган онаизорнинг кўнгли негадир ғаш бўлди. Чунки тўрт-беш соат давом этган тўйда арзанда ўғилнинг қовоғи очилмади. Ҳатто, гулдай келинчакка бир марта ҳам қайрилиб қарамади. Тўйдан бир неча кун ўтиб ёлғизини кўришга борган она ҳаммасини эшитди. Куёв бўлмиш гиёҳванд экан. Хотинига одам ўрнида қарамас эмиш. Хуллас, онаизор ўзидан ўтганини ўзи билди. Шунда ҳам қизига тасалли берди. "Жон қизим, оталаримиз "бош ёрилса, дўппи остида", деганлар. Нима бўлса ҳам ҳаммасини ичингга ют. Отангнинг арвоҳини чирқиллатма. Қўни-қўшни, қариндош-уруғнинг олдида юзимни ерга қаратма", деди. Ўн олти ёшгача онасининг измидан чиқмаган қиз яна унинг айтганларига кўнди. "Чиққан қиз чиғириқдан ташқари" деганларидек, кўнмасдан бошқа иложи ҳам йўқ эди...

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Арзанда куёв қуйилмади. Аксинча, кунларнинг бирида уйга сариқ сочлари калта қирқилган бир қизни етаклаб келиб, оиладагиларга эълон қилди: "Бугундан бошлаб Ася менинг хотиним. Нигоранинг талоғини бераман". Арзанда ўғилнинг қарорига на ота, на она қарши чиқолмади. Ўша куни Нигора тугун-терсагини олиб, онасиникига кетди. Тўғрироғи, уни кетказишди...

У она уйига келгач, ўзининг ҳомиладорлигини билди.

Хуллас, ой-куни етиб Нигора ўғилли бўлди. Лекин гиёҳванд отанинг айби билан бола ногирон туғилди. Ана шундай кунларнинг бирида яна Сарвигул аянинг дарвозаси турумини совчилар уйга яна совчилар келди. Ая эса ўлими олдидан ёлғизгина қизини тинчиганини кўришни хоҳларди. Шунинг учун у келган совчилардан бирига розилик бериб юборди. Ўзининг гапини икки қилмасликка Нигорани ҳам кўндирди. Шундай қилиб Нигора иккинчи марта янгибозорлик Зоир деган йигит билан турмуш қурди. Зоирнинг ҳам биринчи хотини оламдан ўтган бўлиб, унинг икки қиз, бир ўғли бор эди. У тўйдан олдин Нигорага "бир ўғлим икки бўлганидан хурсандман. Энди икки ёрти бир бутун бўлиб, фарзандларимизнинг камолини кўрамиз", деганди. Буни қарангки, тўйдан икки-уч ой ўтар-ўтмас у ҳам қилиқ чиқарди. Унинг айтадиган гапи битта: "Агар мен билан яшашни истасанг, ўғлингни йўқот. Бўлмаса, ўзингга ҳам катта кўча"...

Нигора иккинчи марта ҳам онасининг юзини ерга қаратишни истамасди. Шунинг учун ҳам Зоирнинг барча камситиш-у, хўрлашларига чидаб яшарди. У ўзича "ўртамизда фарзанд бўлса, эримга ҳам инсоф кириб қолар", деб ўйларди. Нигора кутганидек, ўртада фарзанд туғилди. Яхши умидлар билан унга Умида деб исм қўйишди. Лекин норасида Умида ҳам бу хонадонга тинчлик олиб кела олмади. Зоир энди хотинига очиқ-ошкора "ё мен билан Умидани дейсан ёки ўғлингни", деб шарт қўйди. Бундан ташқари, у Нигорага агар ўғлини йўқотмаса, бу уйдан унинг ўлиги чиқиши" ҳақида ҳам писанда қилди. Лекин Нигора эрининг бу қадар тубанликка боришига ишонмади. Ҳатто, ногирон ўғли Давронжоннинг у ер-бу ери кўкарганда ҳам "нимжон бола ўзи йиқилгандир", деган хаёлга борди. Унинг эътиборсизлиги эса охир-оқибат фожиага олиб келди...

Ўша куни Зоир аллақаердан ширакайф ҳолда уйга келди. Энди ёнига болишни тортиб, ёнбошлаган пайтида ўгай ўғли – Даврон йиғлаб қолди. Унинг ҳалиям уйдан "йўқолмагани"га жаҳли чиққан ўгай ота, уч ёшлик гўдакни оёқларидан ушлаб, тахта чорпоянинг устига урди. Кутилмаганда у шунчалик ёвузлашиб кетгандики, гўдакнинг бошидан оқаётган қон ҳам уни хушёр торттирмади. Бунинг устига у кўзлари қўрқувга тўлиб ўғлига ёрдамга шошилган Нигорани ортига силтаб ташлади.

Ва, ниҳоят, Нигора овози чиқмай қолган жигаргўшасининг олдига келганида, кеч бўлган эди. Чунки бу пайтда эндигина уч ёшга кирган Давронжон аллақачон нафас олишдан тўхтаган эди...

Суд-тиббий экспертизасининг берган хулосасига кўра, Давроннинг ўлимига унинг танасига етказилган кўп сонли жароҳатлар сабаб бўлган. Агар Давронга ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатилганида эди, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўларди. Лекин гумроҳ ўгай ота бунга қасддан йўл қўймади. Ва ўзининг жоҳиллиги оқибатида норасида гўдакнинг қотилига айланди...

Тўғри, одил суд Зоирга нисбатан адолатли қарор қабул қилди. У узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Афсуски, Зоирга берилган жазо билан энди Давронни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Шу ўринда бизни бир савол ўйлантириб қўйди: наҳотки, бир оиладаги ички келишмовчилик ва муаммолардан маҳалла аҳли, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар хабардор бўлишмаган бўлса? Бизнинг фикримизча, улар ҳаммасидан воқиф бўлишган. Фақат атрофдагилар бу оиланинг "иши"га аралашишни исташмаган. "Оч қорним, тинч қулоғим" қабилида иш тутишган. Ана шу лоқайдлик, бефарқлик ва ўзгалар дардига эътиборсизлик сабаб юқоридаги фожиа содир бўлган. Демак, бу ўринда қизини "тушган жойида тош қотишини", истаган Сарвигул ая, эрининг инсофга келишини кутган Нигора, жоҳиллик туфайли норасида гўдакнинг жонига зомин бўлган Зоирдан ҳам кўра атрофдаги лоқайд одамларнинг айби кўпроқ...

Ёҳуд фикримиз нотўғрими, азиз газетхон?!

**Хайриддин ШЕРМУҲАММЕДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Jinoyat anatomiyasi*

# "ОРЕХОВ" ГУРУҲИ ТУГАТИЛДИ

## лекин ҳамон уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига чек қўйиб бўлмаяпти, – деб ёзади Россиянинг «Аргументы и факты» газетаси

Ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса, биз аввалроқ ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида нафақат Россия, балки бутун дунёга «танилиб» улгурган «Орехов» жиноий гуруҳининг қилмиши ва ушбу гуруҳнинг ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари томонидан тугатилгани ҳақида хабар берган эдик. Маълумки, бу жиноий гуруҳ XX асрнинг 90-йилларида одамларни қўрқув остида ушлаб турган, кўплаб қотиллик жиноятига қўл урган. Аксарият ҳолларда уюшган гуруҳ томонидан жисман йўқ қилинган қурбонлар фидойи ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари бўлган. Шунинг учун ҳам россиялик ҳуқуқ-тартибот хизмати ходимлари бутун диққат-эътиборини ушбу гуруҳни таг-томири билан тугатишга қаратишган эди. Улар томонидан қилинган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва унинг барча аъзолари қўлга олинди ҳамда уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилди. Шунингдек, ўша мақоламизда гуруҳнинг сўнгги ўн бир аъзоси устидан суд жараёни бошлангани ҳақида ҳам ёзгандик. Дарҳақиқат, яқинда бир неча йилдан буён дунё оммавий ахборот воситалари эътиборини тортиб келаётган суд жараёни ниҳоясига етди. Уюшган жиноий гуруҳнинг ўн бир нафар аъзоси қилмишига яраша жазога тортилди.

Хўш, шундан кейин барча уюшган жиноий гуруҳлар тугатилдими, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Яқинда «Аргументы и факты» газетаси айнан мана шу саволга «йўқ», деб жавоб берди ва газета ушбу жавобни қуйидагича шарҳлади.

«Орехов» уюшган жиноий гуруҳининг бундан ўн-ўн беш йил муқаддам қамалган аъзолари аллақачон озодликка чиқиб улгурган. Ва худди кутилганидек, уларнинг асосий қисми ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан ўз жиноий гуруҳларини тузиб, «фаолият»ларини бошлаб юборишган. Шу йил Москва шаҳрида жойлашган «Внешпромбанк»нинг филиалига уюштирилган босқинчиларга «Орехов»чиларнинг қўли борлигидан далолат беради. Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари босқинчилик пайтида бир нафар инкассаторни отиб ўлдиришган, иккинчисига оғир тан жароҳати етказишган ва бир неча миллион нақд АҚШ долларини олиб, кўздан ғойиб бўлишган. Россия ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари бу жиноий ҳаракатни бундай пухта режа асосида из қолдирмасдан амалга ошириш фақатгина «Орехов»чиларнинг қўлидан келишини таъкидлашмоқда. Афсуски, инкассаторларга нисбатан уюштирилган босқинчилик ягона эмас. Чунки ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари яна икки марта айнан мана шундай жиноят иши билан шуғулланишларига тўғри келди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги икки босқиндан бирини жиноий гуруҳ аъзолари амалга оширишган бўлса, иккинчи босқинни эса инкассаторларнинг ўзлари «уюштиришган». Яъни ҳар икки босқинчилик ишидан яхши хабардор бўлган инкассаторлар ўзларини ўзлари «ўмариш»га қарор қилишган. Албатта, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари «сценарий» асосида амалга оширилган учинчи босқин иштирокчиларини жуда осон фош қилишди.

Маълумотларга қараганда, ноқонуний қурол олиб юриш, қуролли босқин, талончилик, автотранспорт воситаларини ўғирлаш каби «катта» ва уюшган гуруҳлар томонидан амалга оширилган жиноятларнинг асосий қисми Шарқий Приволжский ва Марказий округлар ҳудудига тўғри келмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойида мана шу ҳудудларда уюшган гуруҳлар томонидан 318 ҳолатда жиноят содир этилган. Содир этилган жиноятлар 251 ҳолатда очилган ва жиноятчилар қўлга олинган. 67 ҳолатда эса на жиноят очилган, на жиноятчилар аниқланган. Шунингдек, қўлга олинган жиноий гуруҳлар асосан 5 ёки 7 нафар аъзодан иборат бўлган, уларнинг асосий қисмини аввал қамоқда ўтириб чиққан кимсалар ва яна бир қисмини эса собиқ ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари ташкил этади.

«АиФ» газетасида эълон қилинган мақолада шу йилнинг бошида Москва вилоятида қўлга олинган «Мякоты» уюшган гуруҳи ҳақида шундай ҳикоя қилинади. Гуруҳ раҳбари аввал зўрлаш ва талончилик жиноятлари учун «ўтириб» чиққан. Сўнг у озодликка чиққан биринчи кундан бошлаб ўз атрофига энг ишончли собиқ турмадош «дўст»ларини тўплайди. У ўз гуруҳини пистолет, қирқма милтиқ, бейсбол таёғи ва ҳатто, самурайлар қиличи билан «қуроллантиради». Ушбу гуруҳ асосан тилла магазинлари, катта тижоратчиларнинг офис ва хонадонларини тунаш билан шуғулланган. Ўз жиноий қилмишларини икки йил мобайнида «бемалол» давом эттирган ушбу гуруҳ бир неча марта қотилликка ҳам қўл урган. Уюшган гуруҳ аъзоларининг изига тушиш учун ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари олиб борган барча саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермаган. Фақат кутилмаган тасодифгина гуруҳ аъзоларини қўлга олишга ёрдам берди. Яъни бутунлай бошқа «иш» билан милиция қўлига тушиб қолган гуруҳ аъзоларидан бири, шериклари ўз вақтида уни «чиқариб» олмагани учун «сотиб» қўйди. Шу тариқа ушбу гуруҳнинг қора қилмишларига чек қўйилди.

«АиФ» собиқ ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари томонидан ташкил этилган жиноий гуруҳлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилар экан, яқинда Приморье ўлкасида уюшган жиноий гуруҳ устидан бўлиб ўтган шов-шувли суд жараёнига алоҳида тўхталиб ўтади. Ушбу гуруҳ асосан хорижда ишлаб чиқилган қимматбаҳо машиналарни бўлаклаб сотиш билан шуғулланган. Гуруҳ бошлиғи А. Царенко муқаддам йўл ҳаракати хафвсизлиги хизмати (ГАИ) инспектори бўлиб ишлаган. У ўз жиноий фаолиятида ўзининг собиқ хизмат кийим боши ва таёғидан фойдаланган. Гуруҳ асосан кимсасиз ёки одам кам жойларда ўз жиноиий ҳаракатини амалга оширган. Царенко йўл ёқасида туриб, ўзига ёққан қимматбаҳо машиналарни «назоратдан ўтказиш учун» тўхтатган. Агар машина унга ёқса, шерикларига ишора қилган. Шериклар эса ҳеч ўйлаб ўтирмасдан унинг амрини бажаришган. Яъни кимсасиз жойда йўл ҳаракати ходимининг ишораси билан тўхтаган қимматбаҳо машина эгаси ўша жойнинг ўзида ўлдирилган ва кўмиб ташланган. Марҳумга тегишли машина эса махсус жойда бўлакларга бўлиниб, сотиб юборилган. Жиноий гуруҳ бирорта ҳам ҳайдовчига — у аёл киши бўладими ёки кекса одамми — раҳм-шафқат қилишмаган. Царенко ҳар қандай шароитда ўзидан из қолдирмасликка уринган. Шунинг учун ҳам уюшган жиноий гуруҳ аъзолари ҳайдовчилар тирик гувоҳ сифатида «из» бўлиши мумкин, деб ҳисоблашган. Ушбу гуруҳ ҳам тасодиф туфайлигина қўлга тушиб қолди. Галдаги «ов»лардан бирида уларнинг қўлига нимжонгина ҳайдовчи тушиб қолди. Бунинг устига, унинг машинаси бўлаклаб сотишга ҳам ярамайдиган эски арава экан. Лекин гуруҳ аъзолари ҳайдовчининг ва унинг ёнида бўлган йўловчининг чўнтагидан катта миқдорда пул топишади. Йўловчини ўша ернинг ўзидаёқ гумдон қилишади. Ҳайдовчига келганда эса «нимжон экан, барибир ўзи ўлиб қолади», деб ўйлаб ундан ўқни аяшади. Шу тариқа уни юкхонага жойлаб, машинага ўт қўйиб юборишади ва воқеа жойидан «қуён» бўлишади. Ҳайдовчининг жони гуруҳ аъзолари ўйлагандан ҳам қаттиқроқ экан. У йўлини қилиб юкхонани очади ва бўлиб ўтган воқеа ҳақида милицияга хабар беради.

Тергов ва суд жараёнида ушбу гуруҳ томонидан амалга оширилган ўнлаб қонли жиноятлар ўз исботини топди. Суд уюшган жиноий гуруҳ ташкилотчиси А. Царенкога умрбод, унинг «ходим»ларига эса 18 йилдан 27 йилгача бўлган қамоқ жазоси тайинлади.

**И. ҲАМРОЕВ тайёрлади**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхата олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6